





# МОСКВА - ТОШКЕНТ

## бузишмас қардошлик рақибати!



**БИЗ ДОИМО БАРЧА МИЛЛАТЛАР ПРОЛЕТАРИАТИНИНГ ЭНГ МУСТАҲКАМ БИРИКУВИГА СЎЗСИЗ ИНТИЛИШИМИЗ КЕРАК.**

*В. В. Гришин*



БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

Пролетарии всех стран, соединяйтесь!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



# ВЕЧЕРНЯЯ МОСКВА

ГАЗЕТА МОСКОВСКОГО ГОРОДСКОГО КОМИТЕТА КПСС И МОССОВЕТА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 205 (5196) Жума, 9 сентябрь 1983 й.

Баҳоси 3 тўйин.

ЌУШМА СОН.

● ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ.



ЭЙ, УЛУҒ МОСКВАМ, СЕНГА ШАРАФ-ШОН, МЕҲРИНГДАН НУР ЭМГАН ТОШКЕНТ — НУРАФШОН!

ССР Иттифоқи пойтахти — қаҳрамон шаҳар Москва билан Совет Ўзбекистони пойтахти — Ленин ордени Тошкент ўртасида янгилаб километр масофа бор. Аммо мустақам дўстлик йллари барча иттифоқдош республикалар пойтахтларининг қардошлик олдисида уларни жинс боғлаб турбди. Кунёш шаҳри, дўстлик шаҳри — Тошкент аҳолиси граждандар ва Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида, урушдан кейинги бунёдкорлик даврида,

табiiий офат — zilzila пайтида москвалик қардошларимиз берган катта ёрдами ҳеч қачон унутмайдилар. Ҳа, биз ғурур билан шундай дейлик: руслар ва ўзбеклар оғалини халқидир. Улуғ Октябрь, улуғ Ленин пайвандадан бу иттифоқ нисала халқ учун бебаҳо самара келтиришда, Москва ва Тошкент «Оқшом» газеталарининг қўшма сонлари ана шулар ҳақида ҳикоя қилади.

БУГУН В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА ШАҲАР ПАРТИЯ, СОВЕТ, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА МЕХНАТКАШЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА ВА ШАҲАРГА ЛЕНИН ОРДЕНИ ТОПИРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНАНАЛИ ИЙГИЛИШИ ОЧИЛДИ.

## МОСКВА—ТОШКЕНТ:

дўстлигимиз абадий

1966 йилги zilzila дан сўнг бутун мамлакат Тошкентга ёрдам қилини чўади. Ўзбекистон тупроғига биринчилар қаторида етиб келган курувчилар орасида москваликлар бор эди. Бу эгу анъана да-

вом этмоқда. Бундан икки йил муқаддам Москва шаҳар партия комитети ва Москва шаҳар Совети икромия комитети ташаббуси билан москваликларнинг куч ва маблаглари ҳисобига Тошкентда собиқ Асака майдо-нида «Дўстлик» янги турар жой комплекси қурилиши бошлаб юборилди.

СУРАТДА: Тошкентдаги «Дўстлик» комплексининг бугунги кўриниши.

С. Маҳмамов фотоси.



## ҚАРДОШЛАРЧА ДУСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

В. В. ГРИШИН,

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари.

лардан бири чор деворли кулбалар, қинғир-қий-шиқ тор кўчалардан иборат эди. Феодализм даврига хос кўрimsizлик ҳамма нарсада сезилиб турарди. Бутун Туркистонда бўлгани каби Тошкентда ҳам социал ва миллий жабр-зулм, ўрта аср зулмати ҳукм сурарди. Тошкент пролетариати «Авроранинг инқилобий садосига миннатдорчилик билан жавоб қайтарди. Ишчи ва солдатлар қуролланиб, кўчаларга чиқдилар. Советлар ҳокимиятини ўз қўлига олди. Улуғ Октябрь Ўрта Осиё халқларни ялғиномасида янги саҳифа очди, уларни эксплуатациянинг ҳамма кўринишларидан озод қилди, турмуш тарзларини тубдан ўзгартириб юборди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан сўнг Ўзбекистон пойтахтининг янги, шонли тарихи бошланди. Совет ҳокимияти йилларида ҳозирги пайтда ҳақли равишда Шарқ юлдузи деб атаётган кўнча шаҳар экономикаси, фани, маорифи, маданияти, санъатида мислсиз юксалиш рўй берди. Бунга Коммунистик партиянинг доно ленинча миллий сиёсати, Совет давлати халқлари, биринчи навбатда рус халқининг беғараз қардошларча ёрдами тўғрисида эришилди.

Миллий сиёсат ленинча принципларининг муваффақиятли амалга оширилиши тўғрисида Ўзбекистон ССР ва унинг пойтахти чинакамига гуллаб-яшади. «Миллий чечка ўлка» деган тушунчанинг ўзи барҳам топди. КПСС Марказий Комитетининг бир секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Рانسис ўртоқ Ю. В. Андропов СССРнинг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлисида қилган докладида шундай деди: «Мамлакатнинг кўп миллатли состави унинг қолоқлиқ манбадан тарихда биринчи марта куч ва раванг манбаига айланди».

Москва билан Тошкентини, Ўзбекистон билан Россия Федерациясини бузишмас ва самарали дўстлик алоқалари боғлаб турбди. Улар барча соҳаларда нисбатан бўлган. Москваликлар Тошкент санъати, фани, маданиятини барпо этишда фаол иштирок этидилар. Жумладан, пойтахт Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ Тошкентнинг ривожланиб бораётган санъати эҳтиёжлари учун машиналар, дастгоҳлар, қурилиш материаллари етказиб берди. В. И. Ленин томонидан имзо чекилган Декретга мувофиқ Тошкентга «фан поезди»да Москвадан кўнча олимпиклари Ўзбекистонга миллий илмий кадрларни тайёрлашда ёрдам бериш учун келишди.

Суронли уруш йилларида esa тошкентликлар ҳақини интернационализм намунасини кўрсатиб москваликлар, бошқа шаҳарларнинг аҳолисига ёрдам қилини чўади. Улуғ Ватан уруши даврида Ўзбекистон пойтахтига кўнча корхоналар, илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юрталари эвакуация қилинди. Тошкентликлар минг-минглаб кишиларга, шу жумладан 50 минг болага бошпана бердилар. Уруш йилларида турли мил-

латларга мансуб 15 болани асраб олган ва тарбиялаган темирчи Шоаҳмад Шоаҳмушов ва унинг рафиқаси Баҳрихон, шарафига Тошкентдаги Халқлар дўстлиги майдонига қурилган ёдгорлик нисоний меҳр ва саховатининг мангу барҳаёт рамзи бўлиб қолди.

Бир-бирларини оғир дамларда ёлғиз қолдирмаслик қардош совет халқларининг принциpidир. Бу принцип 1966 йилда Тошкентда гоёта кучли zilzila рўй берган пайтда янги куч билан намоён бўлди. Табiiий офат тўғрисида шаҳар турар-жой фондининг деярли учдан бир қисмини йўқотди. Умуман олганда саҳни 3 миллион квадрат метрга яқин бўлган деворли 100 мингта квартира шикасталанди. Ана шу пайтда бутун мамлакат, бутун совет халқи Тошкентга ёрдамга келди. Қисқа давр ичида шаҳар қайта тикланди, янада гўзал бўлиб қолди. «Чилонзор» номи кўнча москвалик қурувчилар учун яхши танишдир. Тошкентнинг бу районда улар ҳиммати билан турар-жойлар, болалар боғчалари қад кўтарди. Кватталарининг Москва, Ленинград, Киев, Минск деб аталганлиги тошкентликларга беғараз қардошларча ёрдам берган Ватанимиз шаҳарларига билдирган миннатдорчилик тўғрисида.

«Павлово-построй» мутахассисларининг тошкентлик ҳамкасблари билан биргаликда Ўзбекистон пойтахтида осмонлар турар-жой комплексини бунёд этганликлари Москва ва Тошкент ўртасидаги дўстлик алоқаларининг янги далолатидир. Бу комплекс «Дўстлик» деб аталганлиги катта рамзий маънога эгадир.

Тошкентда ҳозир деярли 2 миллион киши истиқомат қилади. У аҳолиси сони бўйича мамлакатда Москва, Ленинград ва Киевдан сўнг тўртинчи ўринни эгаллаб турган шаҳардир. Табiiийки, бундай йирки марказга шаҳар транспортининг энг кўлай ва тез юрар тури — метро суви билан ҳаводек зарур. Бунинг учун яна москвалик метро-созлар ёрдамга келдилар. Тошкент метрополитени фақат Ўзбекистон пойтахти аҳолисининггина эмас, шунингдек москваликларининг ҳам фахри ҳисобланади.

Москва шаҳар партия ташкилоти, пойтахт меҳнаткашлари ўз куч-гайратларини партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь [1982 йил] ва июнь [1983 йил] Пленумлари қарорларини, пойтахтнинг иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини, 1983 йил, беш йилликнинг муваффақиятли баъаринишга қаратмоқдалар. Партия қарорларини, ўртоқ Ю. В. Андропов кўрсатмаларига мувофиқ Москва корхоналари ва ташкилотларида интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш, иқтисод қилиш режимининг нуқайтириш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати кенг қўлаб ёзди.

(Давоми 2-бетда).



### «ТОНГУ» ГАЗЕТАЛАРГА

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 8 сентябрда ЮНЕСКО Бош директори А. М. М'Боу билан учрашди.

Дўстона суҳбатда Ш. Р. Рашидов меҳмонга КПСС XXVI съезди белгилаб берган социалистик тартиқий программасини баъаринишда республикада қилинётган катта ишлар ҳақида, Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилини муваффақиятлар билан нишонлаётганликлари тўғрисида гапириб берди. Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари, ЮНЕСКО ишлари билан шуғулланувчи СССР комиссиясининг раиси В. Ф. Стукалин, ЮНЕСКО Бош директорининг маданият масалалари билан шуғулланувчи ўринбосари А. Р. Кеддара (Сурия), ЮНЕСКО Бош директорининг маориф масалалари билан шуғулланувчи ўринбосари С. А. Танрян, СССРнинг ЮНЕСКО хузуридаги вакили Ю. М. Хильчевский қатнашдилар.

Бадий-спорт байрами қатнашчилари диққатига!

10 сентябрь кунин байрам тантаналари бошланиши соат 19.00 дан 18.00 га қўчирилади. Тошкент шаҳри меҳнаткашларининг истак-

ларини эътиборга олиб, 11 сентябрь кунин соат 12.00 да «Пахтавор» Марказий стадионда Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган кўнча бадий-спорт байрами ўтказилади. Билетлар стадион касаларида сотилимоқда, коллектив заявқалар қабул қилинмоқда.



Мамлакатимиз халқлари рус халқига алоҳида миннатдорлик билан мурожаат этдилар. Республикалардан биронтасининг ҳозирги ютуқларига рус халқининг беғараз қардошларча ёрдамисиз эришиб бўлмас эди.

Ю. В. АНДРОПОВ.

● ДОҲИЙ ВА СИАТЛАРИГА САДОҚАТ

● МЕХНАТДАГИ ҲАМКОРЛИГИМИЗ

● ЭКСПОНАТЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

## ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲҚАМЛАНАВЕРСИН

[Давом. Бош 1-бетда].

Бу соҳада кўп нарса идеологик, сиёсий-тарбиявий ишми янада такомиллаштиришга боғлиқдир. Бу иш — деб таъкидлади ўртоқ Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитетда партия ветеранлари билан бўлиб ўтган учрашув пайтида, — албатта меҳнатни замонвий тарзда ташкил этишга, кишиларни жой-ойига оқилона қўйишга, пухта моддий-техника таъминоти таяниши зарур. Ҳаёт маънавий, моддий ва ташкилий омилларни ана шундай ҳолда узвий боғлиқлигини таъминлаш юксак меҳнат маданиятига эришиш имконини беришни исботлаб турибди. Бу эса ишлаб чиқаришда тартиб ва интизом бўлишининг энг ишончли кафолатидир.

раф» ҳаракати тобора кучайиб, таъсирчан бўлиб бормоқда. Пойтахтда шаҳардаги қатор корхона ва ташкилотларнинг «Бир процент кўпроқ, бир кун илгарироқ» деб номланган ташаббуси кенг қўл очилмоқда. Бу ватанпарварлик ҳаракати меҳнат уюмдорлигини ошириш, мавжуд резервлардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга қаратилган.

Яқинда мамлакатимизда коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективлари ҳаракатининг 25 йиллиги нишонланади. Маълумки, бу ҳаракат Москвада туғилган эди. Пойтахт корхоналарида бу шонли воқеага бағишлаб зарбдор вахталар ўтказилмоқда. Кўпгина коллективлар 25 зарбдор ҳафталини 15 октябрда коммунистик шанбалик ўтказиб билан яқунлашга қарор қилдилар. Бу кун ишлаб топилган маблағ эса совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабаси шарафига барпо этиладиган мемориал комплекс қурилиши фондида ўтказилади. У комплекс Москвадаги Поклонная горада қад кўтарилди. Кўпгина бригадалар, цехлар, корхоналар коллективлари ҳозирнинг ўзида коммунистик шанбаликлар уюштириб, ишлаб топган озаб мўлғимизга қарор қилдилар.

Москва коммунистлари, меҳнатчилари партия кўрсатмаларини изчил амалга ошириш учун сабот билан курашмоқдалар. Пойтахтда туғилган кўпгина қимматли ташаббуслар сўнг бутун мам-


лакатга ёйилади. Ўз навбатида москваликлар ССР Иттифоқи республикаларида туғилган ҳамма яхши тажрибалардан фойдаланадилар. Бу соҳада Москва ва Тошкент корхоналари, илмий ва бошқа муассасалари ўртасидаги иккидўстлик ҳамкорлик катта аҳамият касб этипти.

Биз Ўзбекистон пойтахти меҳнатчилари республика ва шаҳар партия ташкилотлари раҳбарлигида КПСС XXVI сьезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь [1982 йил] ва июнь [1983 йил] Пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун қатъий кураш олиб бораётганликларини яхши биламиз.

Совет халқларининг бирлиги бизнинг энг асосий, бебаҳо бойлигимиздир. Жаҳонда қардош халқларнинг дўстлигидан мустаҳкамроқ, бундан ҳам қон-қардошроқ ҳеч нарса йўқ. Бизнинг меҳнатчиларимиз туғилган кўнра ва навқирон, экономикаси ва маданияти юксак тараққиёт этган, майдон ва проспектиригузай, ноёб архитектура ансамблларига эга бўлган, ўзининг меҳмондўстлиги ва саховати билан машҳур Тошкент совет шаҳарлари ўртасида пароб турибди.

Ўзбекистон пойтахтининг 2000 йиллиги улкан байрамдир. Москваликлар чин қалбдан тошкентликларни бу байрам билан муборакбод этдилар, уларга Ватан бахт-саодати, коммунизм тантанаси йўлидаги бунёдкорлик меҳнатларида янгидан-янг муваффақиятлар тилайдилар.

Москва, 5 сентябрь, 1983 йил.



● Мамлакатнинг бош музейида

## Доҳий ҳақида хотира

В. И. Лениннинг Кремлдаги кабинетиде альбом — Шарҳ меҳнатчиларини и н г совғаси сақланади. Бу революцион воқеаларнинг ўзига хос солидасидир. Суратларда грандлар уруши лавҳалари, Туркияда социалистик санат ва савдонинг, шаҳар ва қишлоқларнинг вужудга келиши, Тошкент кўринишлари, аjoyиб тарихий ёдгорликлари акс этган.

Альбом доҳий иш столининг яқинида турибди. Шунинг учун унинг ёш Советлар мамлакатни оёққа туратган муборакбод даврида ана шу альбом саҳифаларини арақлаётганини, Москвадан шундай олис ерда революция дадил одим ташлаётганлигини қувонаётганини кўргандек бўласиз.

Мамлакатимизнинг бош музейида Ўзбекистон меҳнатчиларининг Влади-Ленинга жуда кўп совғалари сақланади, — деб ҳикоя қилади В. И. Ленин Марказий музейи фондларининг мудбири А.П. Максимов.

Заля ташриф буюрган ҳар бир киши СССРнинг ташкил этилишига бағишланган ойнаванд витрина олдига албатта тўхтайдди. Унда фақат бир экспонат: Хоразм Халқ Совет Республикасининг Меҳнат ордени сақланади. 1922 йилда Владимир Ильич Ленин ана шу орден билан мукофотланган эди.

Шу валда ана бир суратни кўриш мумкин. Унда Советларнинг I Бутунроссия сьезди делегатлари 1922 йил декабрида, Большой театрадаги

манлис вақтида тасвирланган. Уларнинг орасида Ўзбекистон вакиллари ҳам бор.

Ўзбек халқи вакилларининг В. И. Ленин билан учрашуви халқимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Баъзан шундай ҳам бўлади — кичкинагина бир экспонатдан бутун бир тарихий давр нафаси уфуриб туради. Ўзбекистон ССР биринчи беш йилликлар социалистик мусобақаси зарбдорининг муъажазона нишони ана шундай экспонатлардан д и р. Энг яхшиларнинг яхшилари ана шу нишон билан мукофотланган.

СССР 60 йиллиги арафасида қардош республиканинг каттаги делегатлари СССР Халқ Ҳўжалиги Ютуқлари Виставкасида ўтадиган Ўзбекистон ССР кунларида иштирок этиш учун Москвага келди. Кўркам миллий нақш ва В. И. Ленин портрети туширилган манара-ли чинни ваза уларнинг ана шу сафарни ҳақида ҳикоя қилади.

— В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги арафасида Тошкент марказида музейимизнинг филиали очилди, — деб ҳикоя қилади сафаримиз охирида Арсений Павлович Максимов. — Унинг экспозицияларини ташкил этишда В. И. Ленин Марказий музейининг ходимлари ёрдам бердилар.

В. И. Ленин му-зейига келатган кишилар оқими тинмайди. Бу ерга ўқиб, яшаш, курашиш, ғалаба қозонишни ўрганиш учун ташриф буюрадлар.

Н. МАРИНИЧ

Гафур Гулом, Ленин мукофоти лауреати

## Улуғ рус халқига

Менинг оғам рус бўлур!.. Виждоним буюрганини Шу шеърда ёзосам, виждондек дуруст бўлур! Коммунизм асрига йўл тўшаб берган руссан-Шарқликиман, бир ўзбекман, улук оғам, омон бўл! Икдор зехимизга қанот берган ўзингсан. Яна ҳам баландроқ уч, яна ҳам ослон бўл! «Перваа кингадек, ўн еттич йиллари, Девордаги манифест — менинг ҳам кўзим очмиш Ва менинг оилама акпларининг устоди Владимир Ильичининг кўёшли нури сочмиш. «Тингланг, Москва сўзлар!» — уймдаги жарангос — Қолган мазлум шарқининг ҳам ўчиради уйғусин, «Аворон» залларидек жаҳон бўйлаб бу овоз Уйғотар инсонларнинг туғма она туйғусин!

Қондан, кўз ёшларидан миллиларларини кутмаган, Менинг оғам рус бўлур!.. Виждоним буюрганини Шу шеърда ёзосам, виждондек дуруст бўлур! Мўсафиди бошганим тик тўтиб, қўз ташласам, Маърифат замонасини юксак МГУлар! Ва беш денгиз туташиб, асримиз мустаҳкам, Жаҳонни гир айланар, Волга—Доннинг сувларчи Бутун олам сирини, Ватанинни ўр-қирини. Муборак ўз ерини

Севган улук рус халқи! Мен шарқли меҳнатқашмач, сенга боқар қароғим, Қароғда хар кун тонгда Шарқда кўёдай балқил Сен ўқитган ақилнинг етук географияси Тенгсизлик, ирк ва рангини ўз фақидан учирган Ленин таълимотида таълим олган мияси Ҳамма инсон баробар! — деган сўзини кўйрган! Жанг кунлари қон кечиб, қўлимда курул билан, Руслар билан баробар сафларда кета олдим. Инсоннинг бахти учун душманга қирон солиб, Қилчили тили билан сўзимни айта олдим. Мунчалар меҳрибонсан, мунчалар чин инсонсан, Мунчалар қадрдонсан, қадрдоним, ога рус! Фазабинг ёлварининг қирмоқда, бир жаҳонсан, Лобарлик хунаринг деб, айта қўйсам, дубдуруст. «Правда» адреси бор шонли Москваимизда, Ленин кутубхонаси миллион томли бир китоб. Доншманларнинг номи одамларнинг эсида, Кремль юлдузлари жаҳон узра офтоб! Ҳақиқат маърифатини инсоният қидирса, Рус халқининг илмидан олада кўл-кўл таълим. Аср-асрлар ўтиб, ақл нима буюрса, Барбир Ломоносов унга бўлур муаллим.

Менделеев жадавали Оламга ўргатолган, Инсонни ер юзюда қила олган кимёгар, Аъло ташаккурини рус халқига айтман, Менинг инсонлигимдан у берди менга хабар. Атомдаги қувватдан шарқликнин чўчимаган, Заррадаги суръатдан беҳуда ўқитмаган; Америкалик эолим — миллионер сингарни Қондан, кўз ёшларидан Милларларини кутмаган Оғамизга ташаккур! Радийанин фалсафасин ва Пушкин лириксини Тонлар ўқиб ўтирди, Қалби топаркан ҳузур, Менинг оғам рус бўлур! Виждоним буюрганини Шу шеърда ёзосам, виждондек дуруст бўлур! Булар менинг авлодим, минг йиллардан гув келур, Раҳмат дедандак бари улук рус устодиға! Қоракўдай саҳронда, шарқлиаб Аму келур. Партиязи совғаси — минг йиллар авлодиға! Уймидаги чароғда, икин кўзда—қароғда, Адреса ва сўроғда, Ога рус омон бўлур! Жаҳонда, онгда, тонгда-кўёш тушган байроғда Кишилар истаганидек муборак замон бўлур! Менинг оғам рус бўлур! Виждоним буюрганини Шу шеърда ёзосам, виждондек дуруст бўлур!



## МОСКВА—ТОШКЕНТ: дўстлигимиз абадий

● Москва. Строчи-но Маршал Катуюв кўчаси. ● Ўзбекистон энергетика системасининг марказий диспетчерлик пункти. Маълумки, 1926 йилда Ленинга ГОЭЛРО плани асосида қурилган Бузув ГЭСи республика мидаги тўнчи электр станция ҳисобланади. Унинг қуввати бор-йўғи тўрт минг кило-ватт-соати ташкил этган бўлса, ҳозир орденли Тошкентда жойлашган, марказий нуълдан Ўзбекистоннинг санат марказла-



## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Москван ҳақли равишда катта қурилиш майдони деб аташади. Ҳар йили умумий майдон 4 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган турар жойлар, унаб мактаблар, мактабгача муассасалар, савдо ва оватланшиш, шифохонлар, поликлиникалар, кинотеатрлар қурилади. Москва ўртача ҳар кунни курувчилардан 196 та янги шинам квартира олди. Ҳар кун 900 киши ўзининг турар жой шартинини яхшилайди. ● Москвалик қурувчи Н. Злобининг бригада-

сида ҳўжалик ҳисобининг жорий этилганлиги самарали эксперимент бўлди. Тошкентдаги қурилиш-монтаж ташкилотлари мутахассислари пойтахт қурилишларида бўлиб, илгор тажрибани ўргандилар. Шунинг таъкидлаш керакики, Николай Злобининг ўзи ҳам Тошкентда бўлиб, ҳамкасблари билан тажрибаларини ўртоқлашди.

Фақат «Главташкент-стройнинг қурилиш-монтаж ташкилотларининг ўзида қурилиш объектиларида меҳнатга ҳақ тўлашининг илгор бригада формасини жорий этган 490 бригада ишлаб турибди. Улар бутун иш ҳажми-нинг 64 процентини бажаришади. «Главташкент-стройнинг сановат корхоналарида ҳўжалик ҳисобидаги 22 та бригада жорий этилган.



Ильич декрети билан барпо этилган ЛЕНИН ТАФАККУРИ ЁРИТГАН ЙЎЛ

ларда совет физиклари эришган муваффақият ана шундай эди. Яқинда эса университет илмий советининг йиғилишида биринчи проректор В. В. Скворцов мамлакатда энг қудратли баттерон мосламаси ҳақида, университет ҳузурида ташкил этилган амалий физика институти коллективининг муваффақиятли ишлари тўғрисида ахборот берди. Университет олимлари космосни тадқиқ қилиш ишларига, ер ташқарида ишловчи махсус аппаратлар яратишга деҳлдордилар. Шундай қилиб, издошлар ўз ижодий меҳнатлари билан В. И. Ленин юрган вакиллари — Москва ва Ленинград институтларининг олимлари асос солган илмий аъёнларини асраб-авайлаб, уни бойитмоқдалар.

МГУ билан мустаҳкам алоқалар аъёна-ийдир. Бу алоқаларга доҳийми В. И. Ленин асос солган эди. Унинг тафаккури ёдугари Совет Шарқиди илм ва фанини ривожлантириш йўлларини брди. Ушандан буён ўтган йиллар ичида фан ва маданият мислсиз ўсди. Бу Ленин даҳоси буюклиги ва тантанасининг ана бир қирини далилдир.

Ф. НЕСТЕРЕНКО, ТошДУ доценти, тарих фанлари кандидати.

Москвадан чиққан 159-махсус поезд гилдиракли рельслар бўйлаб бир маромада «тақа-тук, тақа-тук» қилиб бормоқда. Кишилар дераза олдига гул бўлишиб, ўз жонажон

ерлари билан хаелан хайрлашмоқдалар. Москва яқинидаги Люберци, Малаховка таниш станцияларининг номлари кўлиб қалинади. Февраль изгирини эсмоқда, Бу йўл Тошкентгача яна

қанча вақт ичда олиб боришини одамлар қали билмасдилар. Улар ўз бошдан кўп асрилик тарихни кечирган бу но-таниш шаҳарга қалб амри ва Совет ҳукумати-нинг давлатига кўра

институтларининг олимлари асос солган илмий аъёнларини асраб-авайлаб, уни бойитмоқдалар.

МГУ билан мустаҳкам алоқалар аъёна-ийдир. Бу алоқаларга доҳийми В. И. Ленин асос солган эди. Унинг тафаккури ёдугари Совет Шарқиди илм ва фанини ривожлантириш йўлларини брди. Ушандан буён ўтган йиллар ичида фан ва маданият мислсиз ўсди. Бу Ленин даҳоси буюклиги ва тантанасининг ана бир қирини далилдир.

Ф. НЕСТЕРЕНКО, ТошДУ доценти, тарих фанлари кандидати.

## МОСКВАЛИКЛАР ҲИССАСИ

«Ўзбекхлопомаш» ишлаб чиқариш бирлашма, сининг Тошкент машинасозлиги заводи шаҳардаги илгор корхоналардан. Унинг ишлаб чиқариш қуввати йил сайин ўсмоқда, махсуслаштирилганги турлари ўзлаштирилмоқда.

ерлари билан хаелан хайрлашмоқдалар. Москва яқинидаги Люберци, Малаховка таниш станцияларининг номлари кўлиб қалинади. Февраль изгирини эсмоқда, Бу йўл Тошкентгача яна

## ДЎСТЛИК РАМЗИ

Бундан бир неча йил муқаддам Урта Осидаги ягона ҳисобланган Тошкент метрополитени йўловчилар хизматига топширилди. Ер ости қарларини қуришда қардош республикаларимиз яқиндан ёрдам бериб, Советлар диярининг 120 шахридаги 250 завод Тошкентга керакли бўлган жиҳоз ва материалларни юборишди. Умумлақ қурилиши деб эълон қилинган бу метро объектини ишга тушириш арафасида 5 дир.

мига жуда қўл келди. «Зангори коллектив»нинг халқсизлигини таъминлаш ва уларнинг аниқ маромада қатнаши учун поездларни автоматик равишда бошқаришнинг комплекс ланган системаси жорий этилди.

Метро йўловчиларга хизмат кўрсата бошлагандан бери йўловчилар ташин сутчасига 141 мингтадан 270 минг кишига етди, меҳнат уюмдорлиги 65 процентга кўлайди, йўловчиларни ташин танархи 22 процентга камайди. Ҳозирги вақтда

В. И. Ленин номидаги метрополитен коллективи «Юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган корхона» деган номни олиш учун курашмоқда.

Москваликлар меҳнатда янги зафарларни қўлга киритишмида бизга маддидор бўлишмоқда. Метрополитенинги иккичи линиясини тез суръатлар билан бунёд этаётган метросозларимиз москваликларнинг тажрибаларига айна шу кунларда ҳам таъинмоқдалар.

Ш. ШОАБУРАҲИМОВ, В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитенининг бошлиғи.



РАҲМАТУЛЛИН ТҮЛҚИНЛАРИ



Раҳматуллин тўлқинлари деб аталади. Уруш йилларида бу илмий иш катта ердан берди. Натияжада, гоётада қазиб ўта чидамли пўлатни текшат имконияти яратилди.

Ушб вақтда Халил Аҳмедович мурнақаб физик-математик тадқиқотларини ечишда катта аҳамият касб этган мурнақаб математик масалаларини ҳал этиш йўлини топди.

Олимнинг Ўзбекистонда миллий кадрларни тайёрлаш ишида қўшган ҳиссаси жуда ҳам каттадир. У кўп фазаали муҳитлар ҳаракатини тадқиқ этувчи механиклар илмий мактабини яратишда ақидан жонқурлик қилди.

— Республика эҳтиёжи учун чигитини аниқ олиш мақсадида уруғини тайёрлашнинг бир неча методи ишлаб чиқилди, — дейди Халил Аҳмедович. — Бу жуда ҳам катта проблемадир. Ҳамма гап шундаки, уруғ тозаланганда кейин, унда жуда ҳам қисқа тола — тун қолади. У уруғ экадиган машина

қолишини кучсизлантирувчи химиявий реактивни яратдик. Бундай усулда уруғ шикастланмайди ва тола тоза ажратиб олинади. Бу метод республикада ҳозирда тадбиқ этилмоқда.

Халил Аҳмедовичнинг шоғирдлари жуда кўп. У 150 дан зиёд фан кандидати ва 30 фан докторини тайёрлади. Раҳматуллин истадодининг асосий тўлқинлари худди ана шулар эмасмикин?!

Р. БАГИРЯН.


Самимий, қардошларча дўстлик, беғараз ўзаро ёрдам, орзу-интилишлар бирлиги—мамлакатимизда абадий қондош-жондош бўлиб, бир иттифоққа бирлашиб кетган юздан ортиқ миллат ва элатларнинг ўзаро алоқа ва ҳамкорлигидаги ўзига хос хусусиятдир. Ш. Р. РАШИДОВ.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

«Гидропроект» институтининг Урта Осиё бўлими коллективи Москвадаги С. Я. Жук номидаги «Гидропроект» институтидagi ҳаммасбарнинг лойиҳаларини илмий-техника даражасини ошириш ва шу асосда қурлиш объектлари танларини арзонлаштириш, ташаббусларини кўп мартабалаб қўллаб-қувватлашди.

Натижада тошкентлик мутахассислар тоналари омиликорлик билан лойиҳалаш эвазига Тошкентдаги Вахш дарёсида қурилаётган Рогун ГЭС қурилишида 5 миллион сўмга яқин маблағни тежалди.

Рашит



Даврнинг бош йўналиши

Георгий МАРКОВ, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати.

Ватанимизни чуқур англамасдан, ҳаётини англамасдан, далалар ва ўрмонларни, денгизлар ва дарёларни қурмасдан, чўл шамолининг ҳуштагини эшитмасдан, она-ернинг ҳидларини тўйиб қидилмасдан асар ёзиш мумкин эмас.

Украина Закарпаттесидан узоқ Қурилтизма тоғларигача йузучиларнинг қузатини майлони бўлиб қолган. Бир-пайтлар Горький ана шу ҳақда орзу қилган эди. Ёзувчилар ҳаётнинг чуқур қатламларига кириб бормоқдалар. Улар таассуротлар ва таассуротларнинг биринчи қатлами билан кифояланиш истамайдилар, воқеалар ва ҳодисаларнинг манбаларига йўл қидирадилар, уларнинг моҳиятини бутун мураккаблиги билан тадқиқ қиладилар.

Бир пайтлар мен Ўзбекистоннинг бир қатор областларини бўйлаб сафарга чиққан эдим. Қурилишларда, қолхоз-совхозларда, санат корхоналарида, институтлар, мактаб-интернатлар, концерт заллари ва театрларда, пахта майдонлари ва узумзорларда, ишчи-

лар ва қолхозчиларнинг уйларида бўлдим. Неҳа асрларни қурган ва эндигина ўзининг ўн йиллигини ишонлаган шаҳарларини мароқ билан томоша қилдим. Мен ҳали барпо этилмаган, аммо лойиҳаларда пайдо бўлган шаҳарларини ҳам кўрдим. Улар қурилиши мўлақатланган майдонларга қараб, эртага қандай шаҳар тикланишини тасаввур этдим. Ҳа, Ўзбекистонда ҳамма жойда тасаввур этишга тўғри келди.

Катта Фарғона каналли У ўзбек халқининг ифтихорларидан бири. Канал қисқа вақтда барпо этилган. Уни тиклашда минглаб киши иштирок этди. Урушдан олдинги йилларда техника нам эди. Каналинг кетмонлар, бел, арава, қоплар ердамида барпо этилдилар. Ҳатто тушроқ чопонларнинг этагида ташиб чиндилар.

Бизнинг кунларимизда катта Фарғона каналли иккинчи ёшлигини бошдан кечирмоқда. Эндиликда тўғонлардаги барча икарлар электрлаштирилган. Автоматика ва телемеханика кенг жирий этиляпти. Келажакда

амалга ошириладиган режалар ҳам кўп. Одамларнинг ҳаётини, уларнинг меҳнати, интилишларини тушуниш учун албатта тасаввур керак.

Мирзақўлда чинакам улугвор иш бажаришмоқда. Унинг миёсаси кишини ҳайратга солиди. Жонсиз, кулранг тақир ерларда ямғир ёшил воқалар, кенг пахта майдонлари, беҳисоб машиналар, обондонлашган ишчи посёлкалари, у ендан бу етмоқда.

Тошкентнинг Ленин ордени билан мукофотланганлиги ҳақидаги хабарини чуқур мамнуният билан кутиб олдим.

Ўзбекистон пойтахти байроғида Ватанимизнинг юксак мукофоти — бу унинг халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш ишидаги катта хизматлари, шонли меҳнат зафарларининг эътирофи этилишидир.

Ўзбекистон пойтахтининг сўз усталарига, барча аҳолисига Ватан шон-шарафини йўлида янги ижодий муваффақиятлар ва зафарлар тилаймиз.

Г. Марков



Сергей БАРУЗДИН:

«МЕН ТОШКЕНТ МЕҲРИГА ҚОНГАНИМ ЗАМОН...»

Сергей Баруздин йирик совет шоири, СССР Ёзувчилар союзи правленийсининг секретари, «Дружба народов» журналининг бош муҳаррири.

ТОШКЕНТ

Гарчи суоқлидир менинг Россиям, Кўеиш ҳам-мен учун у ерда бақдир. Ленин Тошкент бордир — руҳимга ҳамдам, Бегона этмади Тошкентни тақдир. Турфа тиллар билан элатлар аро Энг буюк яқинлик бундадир бақдим. Мен Шимол ўғлони эрурман, аммо Шарқнинг меҳри билан лиммо-лим қалбим. Қадим навқирон Тошкент бор албат, Рухим қашшоқ тортиб қолмағай, дўстлар. Дилимга ногаҳон йўғрилса ҳарсат У фақат Тошкентни, Тошкентни қўзлар. Сўнг эса қайтаман она юрт томон. Она макон ахир — энг эзгу қароқ. Мен Тошкент меҳрига қонганим замон Англаймиз Москвага тагин теранроқ.

БОРГАП

Ўтган у кунларни эслаймиз гирён, Елғон сўз айтмоққа йўқ менда тоқат. Урушда қўрқмайман деган гап ёлғон, Бехуддага ўлмақ даҳшатдир фақат. Гарчи ҳар қимларга бош эгмадик, йўқ. Ҳарб чоғи қочмадик орқага гарчи. Ҳаётининг юлса тасодиф бир ўқ. Шунга рози бўлсанг — эмассан жангчи. Осийиш кунлар ҳам қонда шундоқ: Гарчи сенга бот-бот иқбол бўлар ёр. Тасодифий бахт ҳам бахт эмас мутлоқ. Фақат собит эрур неки барқарор.

ОДАМЛАР


Надомат йўқ қалбимда сира, Нени кўрдим — кўражаман бот. Фақат Инсон бўлсан боқира. Фақат гўзал бўлсан оламзоқ. Мен уллардан мўъжаз бир бўлак, Ўзга ҳолини қилмасман даъво. Енар, титтар, титпирлар юрак Бахтли бўлсин одамлар деб то.

ФИЛ

(Хиндистон шеърларидан) Печог ноёб бўлса бизларда тулпор Ушандай ноёбдир Ҳиндистонда фил. Мана у турниди чўғ ва улугвор, Бирмунча содда-ю ақдла, қобил.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

«ТашНИИПигенпла» илмий тадқиқот институтини Москвадаги етакчи шаҳарсозлик институти билан лойиҳа ва лойиҳа ташкилотлари билан кўп йиллик ижодий ҳамкорлик боғлаб туради. Масалан, москвалик мутахассислар Тошкентнинг техник иқтисодий жиҳатдан асосланган Бош планини тузишда ҳар томонлама пухта ва аниқ иш олиб бордилар. Бу муҳим аҳамиятга молик масъулиятни ишга Москвадаги турли институтиларнинг етакчи мутахассислари жалб этилди. Эксперт комиссиясига эса академик Н. Н. Некрасов раҳбарлик қилди. Улар томонидан тузишда муҳим хуласаси Тошкентни ривожлантиришнинг янада муҳим муаммолари акс этган муҳим ҳужжат бўлиб қолди. Шаҳарнинг кейинги бош планлари ана шу муҳим ҳужжатга асосан ишлаб чиқилди. Шаҳарни ривожлантиришнинг муҳим муаммоларини ишлаб чиқиш



Устида ўтирган устомон филбон Андиша қилмайин бошлаб қолар сўз: — Қани, ҳунарининг кўрсат, қадрион, Икки रुपийани қани энди, чўз. Гарчи забон йўқдир филда ва леғини Хўжасидан кўра у зийрак, хушёр. Ҳар нечук у билар, емши йўқ текин, Қоринини тўғнаши нечоғлик душвор. Яхшиям укув бор унда росмаиа, Муқомлар қилади галати, қизик, Емиш топини учун фил энди, жана, Халойиқ олдиди кўрсатар қилиди.

ЭРКИШИ

Ким кўп захматларини бўйнига олса, Ва ору номусга вафодик қолса Эр киши ўша! Кимки, тупроқ очиб, сочар экан дон, Узагалар ризқини ҳам ўйласа бир он Эр киши ўша! Элу юрт бошига тушганда хатар, Кимки бўла олса энг жасурур аскар Кимки дўстлар билан ҳамма ҳамдам, Сўнгги ионини ҳам кўролса баҳам Эр киши ўша! Ким аёл зотини йўлга сололса, Ҳам унга зарур пайт қулоқ осолса Эр киши ўша! Абдулла ОРИПОВ таржималари.

Шу кунларда барча совет кишилари, жаҳондаги бутун прогрессив инсоният қалби сен билан ҳамнафас, жонажон ўзбек пойтахти. Узининг 2000 ёшида ҳам Тошкент навқиронлиги ва гўзаллигини сақлабгина қолмасдан, кундан-кунга чирой очиб, янада навқирон бўлиб бормоқда. Тошкентни, унинг каттадан-кичик барча аҳолисини 2000 йиллик юбилей ва Ленин орденига сазовор бўлганлиги муносабати билан табриклаш менга катта қувонч бахш этади.

Баруздин

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

баҳолаш проблемалари бўйича кўп йиллардан буён институтимиз билан ҳамкорлик қилиб келяпти. Ҳозирги пайтда биз Москвадаги шаҳарсозлик ташкилотлари билан ижодий ҳамкорликни янада кенгайтириш режаларини белги-ляймиз. Чунки йирик шаҳарларнинг муаммолари ҳам бир-бирига ўхшаш бўлади. Уларни ҳамкорликда ҳал этиш ўзининг яхши самараларини бериши шубҳасиздир. Ф. ТУСУНОВ, «ТашНИИПигенпла» институти директори, СССР Давлат мукофоти-нинг лауреати.



МОСКВА МЕНИНГ ҚАЛБИМДА

УНУТИЛМАС ЙИЛЛАР

Сора ЭПОНТУРАЕВА, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати. Совет Ўзбекистони театри санъатининг нам топишида Москва алоҳида роль ўйнади. Анван мана шу ерда биринчи совет беш йиллик давридаёқ ўзбек миллий студияси очилиб у самарали фаолият олиб борган эди. Бугунги кунда Москва ва Тошкент театр коллективлари ўртасидаги ўзаро ижодий ало-



МОСКВА—ТОШКЕНТ дўстлигимиз абадий



БУГУНГИ МОСКВА

Бу, кўча ҳозир ҳам Ватанимиз пойтахтида энг гўзал кўчалардан бири ҳисобланади. Кенг, кўм-кўк дараклар билан бурканган, кўш нур сочиб турган бу кўча мамлакат жанубий республикаларидан бирининг замонавий проспектининг ёдга солиди. Москваликларнинг уни «оқ олтин» ўлкасининг бош шаҳри шарафига «Тошкент» деб аташи беғиз эмас. Иттифоқимизнинг икки йирик шаҳри аҳолисининг катта дўстлиги ва қардошларча ёрдами шарафига орденли Тошкентнинг замонавий кўчаларидан бири «Новомосковский» деб аталган. Бу рамзий номлар рус ва ўзбек халқларининг бир-бирларига қалбани яқинликларни ифодасидир. ТОШКЕНТНИНГ ТЕАТР МАЙДОНИ. Москвалик меҳмонлар шаҳарнинг қайси меҳмонхонасига ташириб буюришларидан қатъий назар, улар албатта бу ерга келадилар. Мақсад — ажойиб фонтан, ранг-баранг очи-



● Яхши дўст — туганмас хазина. ● Билимни, дўстликни туфайли одамлар бахти-ёрдирлар. ҚОБУС. ● Жаҳоннинг шодлигини янғилса бутун, Дўстлар дийдордан бўлолмас устун. РУДАКИЙ. ● Дўстлик яқинликни тугдирди. ДЕМОКРИТ. ● Дўст-дўстга шундай кўзгук, ундан тиникроғи йўқ. А. АНВАРИЙ. ● Улуғ Россия билан ҳамкорлик ҳаётимизда тарихий-инқилобий жиҳатдан ҳам, моддий-маънавий ва ҳатто географик жиҳатдан ҳам алоҳида ўрни тутади. Энг яқин ва энг улуғ қўшнимиз Россия Федерацияси билан дўстлик, аввало, рус халқи билан, бир неча ўнлаб халқлар билан дўстлигимиз, деган гап. МИРТЕМИР. 3 ТОШКЕНТ БЕГ. ОҚШОМШ 9 СЕНТЯБРЬ, 1983 й.



Валерий ГАНИЧЕВ,  
«Роман-газета» журналининг  
бош редактори.



Валерий ГАНИЧЕВ — Ленин комсомолы мукофоти лауреати, тарих фаллари доктори. У тарихчи ва публицист, ёзувчи ва журналист сифатида таърифланади. Ҳозирги кунда «Романгазета» журналининг бош редактори.  
Бугун москвалик Валерий Ганичев газетамиз меҳмони.

# НУРЛИ ОРЗУЛАР ШАҲРИ

Биринчи бор Тошкентда чет элдан қайтиб келадиган меҳмон бўлганман. Ушанда Покистонда бўлди, Ҳиндистон бўйлаб унутилмас сафолардан бир дунё завоқ олди. Кўрган, эшитган воқеалардан олган таассуротларимиз остида, қўшиб қўйиб келиб тушдик. Юзимица иссиқ ҳаво урилди, чўзиб чалинган қандайдир куй эшитилди. Аэровокзал тепасида эса «Хуш келибсиз!» деган ёзувга кўзимиз тушди.

«Шарққа сафар давом этапти!» — деб куйди делегациямиз аъзоларидан бири. Ҳа, бу эр ҳам Шарқ, аммо қанча Шарқ дегит!

«Енида» бор, Дакка шаҳрида автомобилчилик улкан масжид биносига олиб борувчи узун ва кенг зина олдига тўхтади. «Бизнинг Гўрдаги хўжаларимиз кўриб берган нарсаси фақат мана шу холос!» — деди секингина йул бошловчи. У ўша пайтда Шарқий Покистон, ҳозирги Бангладешни эътиборга олган Покистон ҳарбий диктаторларини назарда тутган эди.

Биз масжидни яқиндан кўрмакчи бўлдик. Йул бошловчи истаристамас рози бўлди. Шундан кейин кўз олдимица тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган даҳшатли манзаралар намоён бўлди.

Гадолар, жулдур кийимли, турли қиёфадаги кишилар тўласи алоҳида-алоҳида бўлиб бизни ўраб олд. Улар кўларини чўзиб, қўллик таъқларини кўтариб, бирон нима берди кетишимизни сўрашарди. Чўнтақимиздаги бор нарсаларни улашиб бердик. Йул бошловчи бу ожиз ва бечора кишиларга овози борича нималариндир кичирер, бизни қўпол равишда машинага ятариб кiritишга иштирокларди.

Биз узоқ вақт жим кетдик. Кўз олдимица хайр сўраб чўзимган кўлар, кўзлардаги ёш, даҳшатли факрилик қайта-қайта намоён бўларди.

Бу одамлар қандай эрдан бериш керак? Инсон кулфатини қай йул билан йўқотиш мумкин? Муҳтамакчиликнинг даҳшатли меросини юлиб ташлаб, икитимий жароҳатларини қандай деволлаш лозим? Бундай саволлар ўша оқшом ҳар биримизни ўйлантирди.

Бу саволларга тарих, социал тараққиёт йўлига қандай қўллар қўйиб жавоб беради. Балки шунинг учун ўша куз кунда совет туپронига ўзгача меҳр билан тикилгандирмики...

Тошкент икитимий илгор Шарқ билан икитимий қолоқ Гўрб ўртасидаги баҳсада ёрқин диллардан биридир. Тошкент прогрессив Шарққа қарши ишончли дилларидан биридир.

Биз ўшанда ҳаёт билан меҳнат, қувонч ва нур билан тўлиб-тошган шаҳарни кўрдик. Келажакка умид билан қараётган, меҳнаткаш шаҳар. Улкан моддий ва маънавий бойликлар жамланган маскан. Боқлар, ёшлик ва гўзаллик салтанати.

...Улуғ Октябрь социалистик революцияси оташида тобланган буюк социал қардошлик мамлакатимиз барча миллат ва элларини маҳкам жиплаштирди. Ҳатто улкан элчилар, сейсмик фалокат ҳам бу қардошлик еларини уза олмади, икитимий муҳтамаклариди.

Шарқ қаёқда? Гўрб қаёқда? Ҳаммасида ҳам дўстларимиз бор.

Ҳозирги пайтда буюк социал системага мансуб мамлакатларда санот ривожланган Шимол ўзи бойликларининг бир қисмини ўтмишда муҳтамак бўлган, теҳник жиҳатдан қолоқ Жаҳонга бериши керак, деган мазоуда мунозаралар олиб борилмоқда. Биз ўзимизни Гўрб Шимолга (Шарқий Япония ҳам шу раёонга киритилганлигини айтиб ўтиш керак) киритмай қўямиз. Капиталистик муҳтамакчилик гўрбларининг учун ҳам масул эсамиз. Аммо бизнинг мамлакатимизда инқилоб ва индустриалаштириш йилларида Москва Шимол Тошкент Жанубига эрдан қўйилди. Ўзбекистон ва бутун Урта Осиёнинг миллионлаб меҳнаткашларини ўқитиш, Мирзачўлини ўзлаштириш ва улкан навлар курилишида сийқидилдан қумаклашди. Тошкентни ўз ичига олган бизнинг Жанубимиз эса уруш йилларида мамлакатимизнинг юз минглаб кишилари, Ленинград ва Украинанинг болаларини ўз бағрига олди. Эндимица у Нокоратупроқ ерлар меҳнаткашларига қардошлик эрдан бермоқда. Жануб қаёқда? Шимол қаёқда? Ҳаммаси ҳам бизнинг совет Ватанимиз!

Уша чет эл сафаридида биз фойдаланиш манзаранинг гувоҳи бўлган эдик. Покистоннинг порт шаҳри Карачиди катта майдонда диний низолаер асосидида қўйилган тўқнашувлардан қочиб келган минглаб кишилар ўтирарди. Улар кўшга тўғида соатлаб ўтиришар, кўзларини юмиб, тарки дунё қилган одамлардек паршон чийкилаб қўйишарди. Улар ҳеч нарса қила олмасдилар, ҳеч нарса қилишни истамайдиганга ҳам ўхшардилар. Гўё одамларнинг сўзи эдилар холос. Делегация аъзоларидан бири сўраб қолди: «Нега уларга йўллар куриш, арқилар қазини ҳам ишларни бошқариш керак? Йул бошловчи «Йул йўқ, деб жавоб берди. Бизнинг жавобларимизни пайкаб, ноз беради: «Уларга шун учун пул тўлайдиган киши йўқ, Сизнинг шаҳрингизга, тошкентликларнинг қиёфасига назар ташлаганда, Тошкент—Меҳнат шаҳри, қўли гул усталар шаҳри эканлигини хис этиш мумкин.

Тошкентликлар ўз ишларини сийқидилдан севдилар. Эртага бундан ҳам яхшироқ ишлар йўллари қақда бош қотирадилар. Уларнинг иши бор, нима учун меҳнат қилаётганликларини ҳам яхши билдилар.

«Мақташга-ку мақтависиз, шаҳримиз қақда чиройли галлар айтганси, — деб эътироз билдириш мумкин.

Синчок ва талабчан бирорта тошкентлик, — камчиликларимиз ҳам борку. Уларни кўрмаслик мумкин эмас.

Тўғри. Аммо мен уларни кўрмасликка қарайётганим йўқ. Аксинча, ўз шаҳрининг чинакам фидойиси бўлган одам кураши бўлиши керак деб ҳисоблайман. У ўз уйдига киридиларни аёвсиз сипуриб ташлайди. Тошкентликлар унда эса иркилик, безорилик ва чейковчилик, алғовчилик ва лоқайдлик бўлиши мумкин эмас. Чинакам соғлом танқид суғуриши шаҳар аҳолисини жада ярашди.

...Тошкент болаларининг қўли билан киши ҳайрон қолдиради. Улар хибонларда ва боғларда уйнайдилар, фавораларда чўмилидилар, милиционер эса боғдан келадиган сафини ўтказиш учун ҳаркати тўхтаб қўямиз. Болаларнинг қўлиги асосан ёш шаҳарларга ҳос, деб ҳисоблашарди. Агар шундай бўлса, қадимий Тошкент — навқирон, ёш шаҳар.

Дакка шаҳрида қандайдир ёл мен томонга қўйишга ўхшатиб йўрқалган митти гўрбнинг узабти, хайр сўради. Ана шу чинакам ва оғир сафарда биз билан учрашган врач аман билан: «Болалар— бизнинг бахтсизлигимиз!» — деди. Уларни боқадиган киши йўқ, уларга берадиган нарсаси ҳам йўқ. Улар жуда кўп.

«Болалар — бизнинг қувончимиз!» — дейишди Тошкентда. — Энг яхши нарсалар, улар учун! Улар қанча кўп бўлса, ҳаётимиз шунча нурига, гўзал бўлади. Келажакка ҳам, ишонч билан қарай оламиз!

Болалар бор жойда ёшлик ҳам бўлади. Тошкентнинг комсомол ташкилотчи мамлакатдаги энг йирки ташкилотлардан бири эканлигини ҳам бежиз эмас. Мен республикадаги комсомол тадбирларида бир неча бор иштирок этганиман. 1979 йлда «Комсомольская правда» газетасининг Тошкентда ўтказилган ички планёркаси ҳамон оқимда. Болаларнинг оқимига ҳатти-ҳаракати, катталарга ҳурмат-эътибори, ишларга давлат манфати нуқтаи назардан ёрқинлиги, камтарлиги ва тўри суғлиги мени қувонтирди. Ойлада ҳамма нарса бир текис келмайди, дейишди. Тўғри. Аммо оила катта, салимий ва талабчан. Унда нотўғри қандам қўйган ишларга эрдан берадилар, ҳатто киши тузатадилар, далада бериб, қўллаб-қувватлайдилар. Тошкентнинг ёш авлоди чиндан ҳам

жушқин, у катта ишлар қилишга қодир!

Капиталистик Шарқда ўзининг фойдаланишлар билан, нашаандлик марказлари билан, қароқчиларча мафия ўчоқлари билан машқур болан шаҳарлар бор. Гўрбнинг сингари шаҳарлар эса қавилат, савдогарчилик дунёсига ҳос барча иллатларни ўзиди муҳтасамлаштир г а н.

Тошкент анжуманлар шаҳри эканлигини бу ердиги кўркам заллар ва саройларига элтиб турмайди. Ёзувчилар ва кинематографистлар, журналистлар ва архитекторлар бежиз бу ерга иштироклариди. Чунки бу ерда ёнги ва эркин нафас олиш мумкин. Бу ерда ижодкорнинг сўзи ҳаққон билан тингланади, Шарқ ва Гўрб прогрессив санъаткорлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ҳам шу ерда дунёга келади.

Тошкент фавораларини ҳам тез-тез эслаб тураман. Улар ёнда уйлар тинчилашди, шонор Фет ёзгандек, «ҳаво, нур ва уйлар бирлашиб кетди».

Фавораларнинг отилиб тушишидан ҳосил бўлган биллур томчилар ҳавоний шақлар ҳосил қилди. Бу ерда, ҳароратли кўш остида, сув — ҳаёт рами, Тошкент қиёфаси ҳам фавораларсиз, замонавий билонларсиз, қўм-қўй боғлар ва гулзорларсиз мумкин бўлмайди. Тошкентнинг замонавий меъморчилигида миллий анъаналар асосини ёрқин намоён бўлган. Кўп ерли ўтмиш ҳозирги замон услуби билан ажойиб уйғунлик касб этган.

Қадимий ва навқирон Тошкент гўзал, қайта тикланган! Хавоний да у билан ёна-ён доно ва нури Москва, қадимий ва яшил шаҳар Киев, юксак ва порлоқ Бокун, Совет Иттифоқининг буюк қардошлиқ маржониди нур сониб турган барча аjoyиб шаҳарларимиз намоён бўлади.

Афсоналарда айтилишича, худони ўзгартирмоқчи бўлган одамлар Бобил минорасини тиклашга киришибдилар. Аммо худо уларни ягона тилдан маҳрум этди. Шунда улар бир-бирларини тушунамай қолди, ўз ниятларидан воз кечдилар. Бизнинг мамлакатимизда, Тошкентда одамлар изоблар тилда гапирдилар. Аммо бу уларнинг дўст, қўн-қардош бўлишига қарайди, улар инсоният орау қилган буюк ва улкан гоғларни амалга оширишга қодир, келажакнинг буюк биноси бунёдқордилар, коммунизм бунёдқордилар.

## МОСКВА-МОШКЕНТ: ДУСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ

Ўзбекистон пойтахти марказининг бугунги кўриниши. У шаҳарнинг ҳақиқий, чиройли манзараларидан бири бўлиб қолди ва ордени Тошкент меҳмонлари ва аҳолисида завоқ-шавақ уйғотмоқда. Бу кўп қаватли уйларнинг, архитектура жиҳатдан ўзига ҳос биноларнинг кўпчилиги — В. И. Ленин Марказий музейининг филиали, Матбуот уйи, 19 қаватли маъмурий бино ва бошқалар зилзиладан сўнг бунёд этилган ва уларни ишлаб чиқиш ҳамда бунёд этишда москвалик архитекторлар, қурувчилар иштирок этишган.

Маълумки, зилзила икки миллион квадрат метр турар жойни ваيران қилди. Тошкентликлар фақат кейинги ўн етти йил ичидидагина қардош республикалар — москваликлар, ленинградликлар, минскликлар, Свердловскликлар кўмагида ўз шаҳарларини қайта қурдилар

ва 15 миллион квадрат метрдан зиёд турар жой бунёд этидилар. Ушундан тўғривақтинча қўрал миқдорлар, уйлар қад кўтарди. Уларнинг ёиларида «Тошкентликлар бахти учун — москваликлардан» (ленинградликлардан, Свердловскликлардан) каби ёзувлар битилди. Бу бинолар СССР халқлари бузилмас дўстлиги, ягона улуг мақсад — республикалар экономинини ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини янада оширишга биргаликда ҳисса қўлиши мақсади билан шартланган кишилар буюк Иттифоқнинг рами сифатида асрлар оша турамак.

Москва — СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкаси. Ўзбекистон ССР павильониди. Амалий санъат бўлимида. Бу ерда



Тошкент керамика қўйилган. С. Лидов ва Е. Орлова фотолари.

# ШОАҲМАД ТАРЗИ ШОАҲМАД ТЕМИРЧИННИНГ МАҲАЛЛАСИ

Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шоаҳмад Шохмад ва унинг рафиқаси Баҳри Акрамова-ларнинг уйи Кремль кўчасидида Ҳол проездеда жойлашган. Унинг ёнгинасидан темирчининг номи билан аталган кўча ўтди. Бу Улуғ Ватан уруши йилларида турди миллионлар 15 фарзанди билан бағрига босиб, бошпа берган ва бошини сийлаган жафокан, меҳнаткаш хонадон. Биз Шоаҳмад ака ҳаётлик ҳолида бу хонадонда бўлиш шарофати муассар бўлган эдик. У киши бадал бўлиб, хитчан келган, кўпича сузма ойналаб юрар эди. Ҳамиша меҳмоннавор эди. Эндимица унинг уйида Шоаҳмаднинг нигоҳи тасвирланган хотира тахтаси турбди. Бу унинг иккидан яна беш хонадон жойлашган бўлиб, уларда унинг фарзандлари ва набралари — 40 нагара ва 12 эвара оқшомат қилмоқда.

Баҳри опа остидада ўтирган эди. У бағридан Тохир — Рафиқнинг ўғли билан яшайди. Ёнгинасида қизил Оёла, фарзанди қизил Нельма, Федор-Йўлда, кизил рус тили ва адабиёти институтининг учинчи курс студенти, икки қизи — Зина-Феруза ва Дилбар медицина билим юртини битиришган. Катта ўғли Рафиқнинг катта қизи бухгалтерлик билимининг ағаллаб, Хоразмга йўланма олган, ўша ерда ишламоқда. Синглиси Ҳалиманинг қизи Зулфия медицина билим юртининг иккинчи курсида ўқийпти.

Шоаҳмадовлар оиласи ажойиб боргон каби — ажойиб боғни бунёд этди, унинг доварактлари ўсиб бутун атрофини қувонтирмоқда. Бир вақтлар Рая Мальцеванинг онаси топилиб қолди. «Не-йинги пайтда у негандир хат ёзмай қўйди, деб ўинди Баҳри опа, — ичкилиб қақна қилди қўймаган бўлмайлик?» Шухрат-Шурикнинг отаси ва синглиси ҳам топилиди. Муаззам ва Ҳамидулла ҳам ана шу хонадонда бахтин топиди, турмуш қуришди. — Эсимда бор — деб хотирлайди Федор — биз яшаб турган 14. болалар уйдан мен жуда ҳам инюк бўлиб қолган Миша Ярулин, Саша Вунининг олиб кетишли. Ўша пайтда мен ҳам Шоаҳмадовлар, дедим, мени ҳам олиб кетинг, амаинюк, сўзингизга қираман, дедим. У киши эса натағаларга гапиратгандек: «Уғлим, албатта олиб кетаман. Кўриб турисанку, қўлимда битта болага аталган пўтёвка бор». Ўша пайтда болани тарбиялаб олиш тўғрисидаги шартнома атайлаб бир болага берилган эди. Отаси халқ маорифи комиссарлиги советига қатнаб болаларни илтимос қилиб сўраган, қандай парварши қилишини айтиб берган.

— Урушнинг ма-шаққатли шароити но-расдаларга даҳшатли эди. Болалар уйига келиб мени етаклаб олиб кетган отам каби кудратли кишилар учун мардикли синовни бўлган. Хулди, ёши ҳар хил бўлган турли миллат болаларининг бошини меҳрибонлик билан сийлаш жуда ҳам машаққатли иш. Ота-онамизнинг очик кўнгилчилиги ва саховати болаларни оёққа турғазди.

Баҳри опанинг ўғли — Пўлдош-Федор отасининг наздан боряпти. У ота-оналар, ака-укалар ва опа-синглилар тўғрисидаги ҳужжатларини излашга кўп вақт сарфлагини. Шоаҳмадовлар ҳақида дўноқ қилувчи барча мақолаларни тўплаб боряпти.

— СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигида ёдкорликнинг очилиши оиламиз учун жуда катта воқеа бўлди. — дейди Федор ва сўхбатини давом эттирди: минглаб ота-онаси қолган фарзандларнинг бошини меҳрибонлик билан сийлаган ўнлаб оилалар бутун ўзбек халқи саховатини акс эттирган ана шу ёдкорликда қардошлигимиз рами ёрқин ифода этилган. Ана шундай меҳрибон кишиларнинг, ота-онамизнинг қалби гўзал бўлган. Инсон ана шундай қалб билан қўлига жасоратларини яратишга қодирдир. Буни биз граждандлик жасорати дей-миз.

## МОСКВА-МОШКЕНТ

Тошкентдаги Давлат санъати музейида москвалик таниқли усталарнинг ишлари кенг намоён этилди. Булар И. Граф, К. Юон, Г. Рязский каби ижоди совет санъати тарихида ёрқин ифодаланган кишиларнинг асарларидир. СССР халқ рассоми А. А. Дейнеканинг ма-сала, Улуғ Ватан уруши давридаги энг яхши асарларидан бўлган «Москва атрофи. 1941 йил ноябрь» намоён этилди.

Москвадаги етакчи музейлар билан алоқалар турфайли тошкентликлар Давлат Третьяков галереяси асарлари билан ўз шаҳарларида танишмиш имконига эга бўлидилар. Машҳур «Третьяков» кейинги тур йилда Тошкентга киши марта кўргазма билан келди. Москвадаги А. С. Пушкин номи Давлат таърихий санъат музейидан келтирилган XIX — XX аср бошлари француз санъати кўргазмаси кенг оммалашди.

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи фондидан Москвага Ўзбекистон амалий санъат асарлари, шунингдек республиканинг айрим рассомлари картиналари кўп марталаб кўргазма-га жўнатилган.

## ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИҚДА

Ўзбекистон табиат музейи коллективи мана 20 йилдан эиёди, мамлакатимиздаги барча табиат музейлари мутахассислари учун методик марназ ҳисобланган Москвадаги Тимирязов номи биология музейи билан му-стаҳкам ижодий алоқа қилиб келади. Бу ерда табиатни муҳофаза этиш борасида ўз билимларини ошириш, ноёб ўсимликлар ва ҳайвонлар билан боғлиқ бўлиб ва кўргазмалар ташкил этишни ўрганиш учун музейларнинг илмий ходимлари, шунингдек тошкентлик табиатшунослар ҳам тақриба ўрганган келиб турадилар.

Ўз вақтида музей ходимлари табиатни муҳофаза этиш бўлиминини ташкил этар эканлар, Москвада ҳаммасилари қўлида бўлдилар. Москвалик ҳаммасиларининг тақрибаси табиатни муҳофаза этиш бўлиминини реконструкция қилишда қўл келмоқда. Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига тайёргарлик даврида музей заллари янги экспонатлар билан бой-ланди.



«Тошкент оқшони» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-86; савоат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шахар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва хукуқ — 32-54-18; ватанпарварлик ишлари — 32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар — 32-81-42; нарийёт диспетчер — 32-78-74; нарийёт телефон станциясининг нарийётчилари — 33-90-50.

«Тошкент оқшони» газетасининг редактори Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«Вечерняя Москва» газетасининг редактори С. Д. ИНДУРСКИЙ.

ВЕЧЕРНЯЯ МОСКВА ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«Вечерняя Москва» газетасининг бугунги ўзбекистон пойтахтига бағишланган махсус сонини ўқишга муассар бўлади. У Москва ва Тошкент «Оқшони» газеталари редакциялари ҳамкорлигида тайёрланган. Тошкентда бағишланган материаллар Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Советининг депутаты У. У. Умаровнинг мақоласи билан очилади. Мақолада КПССнинг доно ленинча илмий сийбати самаралари, Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг меҳнат зафарлари, уларнинг Москва меҳнаткашлари билан тобора муҳтамакчилик бораётган қардошлик алоқалари қақда қон-крет мисоллар асосида таҳрир қилинган.

Метрополитен бошлиги, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ш. Р. Шоабдурахимовнинг мақоласида москваликларнинг Тошкент метрополитенини барпо этишга қўшган ҳиссаси қақда сўз юритилади.

«Тошкент оқшони» музбирлари Э. Зоҳидов ва Т. Тошевларнинг мақоласи кўп қаватли «Дўстлик» турар жойи, иккала шаҳар фотосуратлари билан тақриб қўшган хиссаси қақда сўз юритилади.

Тошкентда бағишланган материаллар Ўзбекистон пойтахти қақда ҳикоя қилувчи, иккала шаҳар фотосуратлари билан тақриб қўшган хиссаси қақда сўз юритилади.

«Тошкент оқшони» газетасининг редактори Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«Вечерняя Москва» газетасининг редактори С. Д. ИНДУРСКИЙ.